

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 26 сентябрда 1899-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, энди агарда профессионал фаолиятни беvosита филиал томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ вазифаларни бажараётган филиалнинг штатида ходимлар сони 3 кишидан ортиқ бўлмаса, профессионал иштирокчининг бош ташкилоти назоратчисидан ташқари филиал назоратчиси вазифаларини филиал раҳбари ҳам бажариши мумкин. Филиал назоратчиси вазифалари филиал раҳбари томонидан бажарилган тақдирда у бош ташкилотнинг назоратчиси ва раҳбарига ҳисобдордир; аниқланган барча қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг бузилиши тўғрисида уларга ахборот беради; уларга филиал фаолиятига тегишли бўлган ҳисобот ҳужжатларини тақдим этади.

Профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган филиали штатида, филиалнинг штатидаги ходимлар сонидан қатъи назар, филиал назоратчисини киритиш кераклиги ҳақидаги талаб бекор қилинди.

2011 йил 6 октябрдан кучга кирди.

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 26 сентябрда 1919-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди. Унга кўра, рўйхатга олувчилар филиалларининг ваколатли ходимлари ҳам эндиликда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказишлари мумкин.

2011 йил 6 октябрдан кучга кирди.

Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 26 сентябрда 809-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Депозитарийнинг фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритилди.

Энди депозитарий ўзининг алоҳида бўлинмалари бўлган ҳамда фаолиятини тасдиқланган низом асосида юритадиган филиаллар очиш ҳуқуқига эга. Бунда филиал раҳбари депози-

тарий раҳбари томонидан бериладиган тегишли ишончнома асосида фаолият олиб боради. Депозитарий филиали кўпи билан битта филиалнинг тузилмавий муҳрига эга бўлиши мумкин.

Филиал очган депозитарий филиал муҳри олинганидан кейинги 3 иш куни давомида ваколатли давлат органига унинг очилганлиги ва шахсий таркиби ҳақидаги ахборотни, депозитарий филиалини очиш учун асос бўлган, депозитарий томонидан тасдиқланган ҳужжатлар нусхаларини ҳамда муҳри изининг намунасини юборади.

Филиал очган депозитарийнинг филиал фаолиятидаги ахборот ва ҳужжатларнинг тегишли равишда сақланиши учун жавобгарлиги белгиланган.

2011 йил 6 октябрдан кучга кирди.

IT-ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 27 сентябрда 2268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Телекоммуникация хизматларидан олинган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом телекоммуникация хизматларини кўрсатишда «Ўзбектелеком» АК (бундан кейин – Компания)нинг ягона технологик жараёнида иштирок этувчи филиаллари билан ўзаро муносабатларида, шунингдек Халқаро электр алоқа регламенти (Телеграфия ва телефония бўйича бутунжаҳон маъмурий конференциясининг якуний ҳужжатлари, Мельбурн, 1988 й., ТТБМК-88) ва Халқаро электр алоқа иттифоқи Тавсияларига мувофиқ хорижий операторлар билан телекоммуникация хизматлари учун ўзаро ҳисоб-китобларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларни тан олиш ва аниқлаш тартибини белгилайди.

Ҳужжатда телекоммуникация хизматлари учун хорижий алоқа операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш тартибининг хусусиятлари ҳамда операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан Компания ва унинг филиаллари томонидан кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари экспорти ва импортнинг бухгалтерия ҳисоби масалалари батафсил кўриб чиқилган.

2011 йил 7 октябрдан кучга кирди.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Молия вазирининг буйруғи (АВ томо-

нидан 2011 йил 27 сентябрда 2270-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар тасдиқланди.

Улар билан йиллик, чораклик ва ойлик молиявий ҳисоботлар таркибига киритилиши керак бўлган ҳисоботлар рўйхати белгиланди.

Молиявий ҳисоботларни тузиш пайтида қуйидаги шартларга тўлиқ риоя этилиши керак: ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларда бир хил бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш.

Ушбу асосий шартларга риоя қилинмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

Бўйсунуш бўйича юқори турувчи ташкилотга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда молиявий ҳисоботлар уни ташкил этган ташкилот раҳбари томонидан ҳамда марказлаштирилган бухгалтериянинг бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Бунда Давлат бюджети ғазна ижросига ўтилган ташкилотларнинг тегишли молиявий ҳисоботлари ғазначилик бўлинмалари томонидан тасдиқланади.

Бюджет ташкилоти бўлмаган, аммо бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар ҳам Молия вазирлигига ҳар ойда ва ҳар чоракда тасдиқланган Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҳолда харажатлар сметаси ижроси ҳақида ҳисоботларни тақдим қилишлари керак.

Молиявий ҳисоботларда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Ҳисоботларда хатолар тузатилган тақдирда тегишли ёзувлар қайд қилинади, уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлайдилар. Молиявий ҳисоботларга киритилган барча тузатишлар ҳақида уларни юқори турувчи ташкилот томонидан текшириш ва тасдиқлашда мазкур молиявий ҳисоботлар тақдим этилган барча жойларга (манзилларга) мажбурий тартибда хабар қилиниши шарт.

Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2011 йил 7 октябрдан кучга кирди.

2011 йил 24 сентябрдан 30 сентябргача бўлган даврда қабул қилинган меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсулти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ-292-сон Қонун билан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунга (2000 йил 25 майдаги 71-И-сон) ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу меърий-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинадиган энг муҳим масалаларни кўриб чиқамиз.

? **Ўзгартиришлар қабул қилиниши муносабати билан лицензиялаш тартибида нималар ўзгарди?**

✓ 2011 йил 8 сентябрдан: лицензияловчи органга лицензия олиш учун ҳужжатлар топшириш чоғида юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасини нотариал тасдиқлаш **БЕКОР ҚИЛИНДИ**; лицензиат лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топшириши керак бўлган муддат **КЎПАЙТИРИЛДИ**; лицензиялар реестрида мавжуд бўлган ахборотни тақдим этганлик учун тўлов **БЕКОР ҚИЛИНДИ**.

? **Лицензиат энди қанча муддатда (лицензиат юридик шахс бошқа шаклга айлантирилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ёхуд лицензиат жисмоний шахснинг исми шарифи ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда) лицензияни қайта расмийлаштириши шарт?**

✓ Бир ой мобайнида. Илгари бу муддат бир ҳафтани ташкил этган («Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонун 20-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари).

? **Лицензиялар реестрларида мавжуд бўлган ахборотни ким бепул олишга ҳақли?**

✓ Ушбу ахборот бундан буён очик ҳисобланади ва лицензияловчи органнинг веб-сайтида жойлаштирилиши керак. Илгари у фақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органларигагина бепул тақдим этилган, юридик ва жисмоний шахслардан ҳақ ундирилган. Ҳозир ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс лицензияловчи орган веб-сайтидан ахборотни бепул олиши мумкин. Реестрдан тақдим этиладиган ахборот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;
чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензия учун – лицензиянинг амал қилиш муддати;
лицензияни қайта расмийлаштириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш асоси ҳамда санаси;
лицензиянинг амал қилишини тугатиш асоси ва санаси;
лицензияни бекор қилиш асоси ва санаси;
фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа маълумотлар.

Елена ЕРМОХИНА,
«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

¹Рўйхат ҳужжатга 2-иловада келтирилган. Унга: пахта толаси, ип калава, пахта линти, хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металллар сингари товарлар киради.

²ДБК томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 15 октябрда 832-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

УШБУ
СОҒДА

2-бет

Муассислар таркибидан
чиқариш қоидалари

\$1 = 1754,21 сўм

2-бет

Ходимга қўшимча ҳақ
тўлашнинг меъёри борми?

€1 = 2336,88 сўм

3-6-бетлар

«Биз яшайдиган уй»да
нима гап?

£1 = 2739,20 сўм

7-бет

Корхонада хорижий
ишчи ишлаганда

¥10 = 228,62 сўм

ФОЙДА БЎЛМАСА – ИШ ҲАҚИ ҲАМ ЙЎҚ

1. Бизнинг корхонамиз янги барпо этилган МЧЖ (чакана савдо). Биринчи чорак якунлари бўйича ҳеч қандай фаолиятни амалга оширмаганмиз. Агар оборотларимиз мавжуд бўлмаса, Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китобни қандай қилиб тўлдиримиз?

2. Тўловларни қўшимча ҳисоблаш учун базани ҳисоб-китоб қилиш мисолида мини-маркет бўйича Ягона тариф сеткасига доир ишларнинг ўртача разряди 3 ни ташкил қилиши кўрсатилган. Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг 3-разрядига мувофиқ келадиган ҳисоб-китобни тариф коэффициенти 2,998 ни ташкил қилади. Ушбу рақамлар қардан олинган ва улар нимани билдиради? Бухгалтер.

– 1. Худди шундай саволга жавоб «СБХ»нинг 2011 йил 26 майдаги 21 (877)-сонидан чоп этилган.

Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига кўра, у татиб этиладиган корхоналарнинг асосий фаолият тури ҳисобот чораги якунлари бўйича аниқланади. Корхонамиз 2011 йилнинг I чорагида савдо фаолиятини амалга оширмаганлиги, оборотлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли, ушбу Низом қоидаларини қўллаш мақсадида корхо-

на чакана савдо ташкилотларига киритилмайди. Бинобарин, 2011 йилнинг I чораги учун Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китоб топшириш керак эмас.

Бунда ягона ижтимоий тўлов Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом² билан белгиланган тартибда тўланади.

2. Ягона тариф сеткаси – Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган ҳужжатдир (1-илова).

¹ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 13 апрелда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³Президентнинг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сон Фармони билан белгиланган, 2011 йил 1 августдан амал қиладиган энг кам иш ҳақи миқдори.

МУАССИСЛАР ТАРКИБИДАН ЧИҚАРИШ ҚОИДАЛАРИ

МЧЖ муассислари бўлиб жисмоний шахслар ҳисобланади. Уларнинг кўплари ҳозир Ўзбекистонда яшамайди (хориждаги доимий яшаш жойларига кўчиб кетишган). Уларни муассислар таркибидан чиқариш мумкинми, агар мумкин бўлса, буни қандай қилса бўлади?

Юриконсульт.

– Буни икки усул билан қилиш мумкин:

уларга тегишли улушларни бошқа муассисларга, жамиятнинг ўзига ёки учинчи шахсларга сотиш (бериш) орқали муассислар таркибидан уларнинг ихтиёрий равишда чиқиб кетиши йўли билан (2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» 310-II-сон Қонуннинг 20, 22-моддалари);

суд тартибида мажбурий равишда чиқариш воситасида.

Ихтиёрий равишда чиқиш учун умумий йиғилиш чақириш, кун тартибига айрим шахсларнинг муассислар таркибидан чиқиши ва уларнинг улушларини сотиб олиш, уларнинг, шунингдек бошқа муассисларнинг улушларни реализация қилишга (айрим ҳолларда) розилигини олиш масаласини қўйиш лозим.

Шахсни муассислар таркибидан мажбурий ра-



вишда чиқаришга келсак, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари фақат ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган муассисни жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар (яъни муассис жамиятнинг чақирилган умумий йиғилишлари мажлисларига атайлаб келмайдиган, ўзининг ҳаракатсизлиги билан жамиятнинг фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган, қворумнинг йўқлиги жамият учун муҳим қарорларни қабул қилишга имкон бермайдиган ва бошқа ҳолларда) («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисми). Мазкур ҳолатларни судда исботлаш лозим.

У жадвалдан иборат бўлиб, унга 2 устун киради: меҳнат ҳақи разрядлари ва ушбу разрядларга мувофиқ келадиган тариф коэффициенти. Меҳнат ҳақи разрядлари давлат муассасалари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан, қолган корхоналар учун эса мустақил равишда ўрнатилади. Бунда ҳар бир лавозим учун муайян разрядни энг юқори малакани талаб қиладиган лавозимлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолда камроқ малакани талаб қиладиган лавозимлар тарификация зинасида пастроқ даражаларни эгаллайди.

Меҳнат ҳақи бўйича ягона тариф сеткасига асос қилиб энг кам иш ҳақи миқдоридаги нолинчи разряд тариф сеткаси қабул қилинган. Тариф коэффициенти – тегишли разряд меҳнат ҳақи соатбай ёки кунбай ставкасининг асос сифатида энг кам иш ҳақининг белгиланган энг кам миқдори қабул қилинган паст разряд бўйича тариф ставкасига нисбатидир. У ходимлар ишларининг мураккаблиги ва малакаси даражасини тавсифлайди.

Масалан, Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақининг ўртача разряди чакана савдо ташкилотлари учун 3 ни ташкил қилади. Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақининг 3-разрядига мувофиқ келадиган тариф коэффициенти 2,998 га тенг. Тегишинча, ходимнинг меҳнат ҳақи:

$(2,998 \times 57 \times 200^3) = 171 \, 485,6$ сўмни ташкил қилади.

Саволларга «Норма» МЧЖ юриконсулти Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.

ТЕКШИРИШГА ТАЙЁР БЎЛИНГ

Корхонамиз режали тартибда 2009 йилда текширилган. Бизга солиқ инспекциясидан қўнғироқ қилиб, эртадан бошлаб бизда комплекс текширув бошланишини айтишди. Оғзаки тарзда минтақанинг худди биздагидек тармоқда ишлаётган барча корхоналари текшириляётганлигини тушунтиришди. Бироқ жорий ой учун режа-жадвалга биз киритилмаганмиз. Бу ҳол қонунийми? Биз назоратчиларни корхонага киритишимиз керакми?

Бош бухгалтер.

– Кўринишича, корхонамизда режадан ташқари текшириш ўтказиш тайинланган. Агар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишса, сиз текширишга келган солиқ инспекторларини киритишга мажбурсиз:

назорат қилувчи органлар фаолиятни мувофиқлаштирувчи худудий комиссиянинг (ёки Кенгашининг) корхонамизни текшириш тўғрисида қарори нусхаси;

давлат солиқ хизмати органининг корхонамизни текшириш тўғрисида буйруғи нусхаси;

хизмат гувоҳномалари ва текширувга киритиш тўғрисида махсус намунадаги гувоҳномалар;

солиқ текширувини ўтказиш дастури нусхаси.

Бундан ташқари, текширувчилар Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришлари керак (Солиқ кодекси 88-моддасининг иккинчи қисми, 91-моддасининг тўртинчи қисми, 92-моддасининг биринчи қисми).

ИШ БЕРУВЧИНING ХОҲИШИГА ҚАРАБ

1. Ташкилот ўзининг ходимларига қўшимча ҳақ тўлашни қандай доирада амалга оширишга ҳақли? Бирор-бир чеклашлар мавжудми?

2. Касбларни (лавозимларни) бирга олиб борганлик учун меҳнат ҳақи миқдори қандай белгиланади?

3. Бирга олиб бориш тартибиде иқтисодчи бухгалтер зиммасига бош бухгалтер вазифаларини, мазкур лавозимни эгаллаган шахснинг йўқлиги даврида, юклаш мумкинми? Кадрлар бўйича инспектор.

– 1. Иш берувчи тижорат ташкилотлари ўз ходимлари учун меҳнат ҳақининг шакллари ва тизимини, шу жумладан қўшимча ҳақларнинг турлари ва миқдорларини мустақил равишда белгилашга ҳақлидир (Меҳнат кодекси (МК) 153-моддасининг иккинчи қисми). Қатъий белгиланган доираларни қонун ҳужжатлари назарда тутмайди.

2. Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади (МКнинг 160-моддаси).

3. Ҳа, мумкин. Бунинг учун тегишли буйруқ чиқарилиши лозим.

Реклама

NORMA ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
- Лицензиялашдаги ўзгартиришлар
- Меҳнат миграциясини назорат қилиш бўйича янги чоралар
- Чет элликни ишга олашимиз

1, 7-бетлар

✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

- Фойда бўлмаса – иш ҳақи ҳам йўқ
- Текширишга тайёр бўлинг
- Иш берувчининг хоҳишига қараб
- Муассислар таркибидан чиқариш қоидалари

– Валюталар курси 2-бет

✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

- Янгиликка кенг йўл
- Бадаллар миқдорини асосланг
- Раисларнинг ҳаммаси ҳам имтиёзга эга эмас
- Замоनावий электрон ҳисоблагичлар

- Квартира олма, кўшни ол
- Кун тартибиде – долзарб масала
- Қимматга тушган буюртма
- Назоратчилар «янгилибди»

3-6-бетлар


✓ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

8-бет

МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	13.10.2011	1	0,7868	1	1,085	1	0,0253
Арманистон	13.10.2011	1	375,52	1	515,85	1	12,03
Беларусь	14.10.2011	1	5731,00	1	7914,51	1	183,68
Грузия	13.10.2011	1	1,6589	1	2,2855	1	5,2806
Қозоғистон	14.10.2011	1	147,72	1	202,86	1	4,73
Қирғизистон	14.10.2011	1	45,2073	1	60,7725	1	1,4057
Латвия	14.10.2011	1	0,509	1	0,702804	1	0,0164
Литва	14.10.2011	1	2,5056	1	3,4528	10	8,0214
Молдова	13.10.2011	1	11,8238	1	16,2779	1	0,3798
Тожикистон	14.10.2011	1	4,7523	1	6,553	1	0,1531
Ўзбекистон	11.10.2011	1	1754,21	1	2336,88	1	54,48
Украина	13.10.2011	100	797,37	100	1097,6595	10	2,5382
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru



МУНДАРИЖА:

- ✓ Янгиликка кенг йўл
- ✓ Бадаллар миқдорини асосланг
- ✓ Раисларнинг ҳаммаси ҳам имтиёзга эга эмас
- ✓ Замонавий электрон ҳисоблагичлар
- ✓ Квартира олма, кўшни ол
- ✓ Кун тартибида – долзарб масала
- ✓ Қимматга тушган буюртма
- ✓ Назоратчилар «янглишибди»

ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистонда Турар жой фондининг профессионал бошқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлари уюшмаси (бундан буён матнда Уюшма деб юритилади) иш бошлади. Бу янги нодавлат нотижорат ташкилотининг юзага келиши уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохот жараёни тақозоси бўлиб, ана шу ислохот учун турар жой хизматлари бозорини ривожлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш, ХУМШ ва квартира мулкдорлари тимсолида ана шу хизматларнинг билимдон буюртмачиларини шакллантириш устувор вазифа бўлиб қолди. Бу жараёнда профессионал бошқарувчи ташкилотлар (бундан буён матнда БТ, БК деб юритилади) муҳим роль ўйнаши талаб этилмоқда. Бинобарин улар бугунги кунда битта уйдан ташкил топган ва чоғроқ ширкатлар билан биргаликда даврага дадил чиқиб, уй-жой ислохотининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Мамлакатимиз ҳукумати ана шу тузилмаларга эътибор қаратиб, уларга катта ёрдам бериб келмоқда, уларнинг позициясини мустаҳкамлаб, фаолиятларига кенг йўл очиб бермоқда, уларга катта умид боғлаб, кўп квартиралар уй-жой фондининг техник ҳолати яхшиланиши, бошқарув ва хизмат кўрсатиш сифати ошишини кутмоқда.

Профессионал бошқарувчилар уюшмаси мазкур жараённи жадаллаштириш мақсадида ташкил топди. Уюшманинг ижрочи директори Раҳима ОРТИҚОВА янги ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, илк одимлари ҳақида, шунингдек мамлакатимизда кўп квартиралар уй-жой фондини профессионал бошқарув соҳасини ривожлантириш хусусида гапириб берди.



– Раҳима опа, Уюшманинг ташкил этилиши зарурати нима билан боғлиқ деб ўйлайсиз?

– Бошқарувчи ташкилотлар уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги ўзгаришлар натижасида пайдо бўлди. Ҳозирги кунда бу тузилмалар бошқа жараёнларга ҳам ижобий йўсинда таъсир этмоқда, уларсиз бу соҳадаги ислохот боши берк кўчага кириб қолгандай бўлур эди. Гап йирик ширкатларни майдороқ ширкатларга бўлиш, анчагина истиқболли бўлган кичик ва битта уйдан ташкил топган ХУМШлар барпо этиш хусусида бормоқда. Ҳозирги БТлар бозор муносабатларининг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъектларига, уй-жой хизматлари буюртмачиларига айланиб бораётган кичик ХУМШлар ташкил топишига ёрдам бермоқда. Бир уйдан ташкил топган ширкатлар штатида умумий мол-мулк таъминоти вазифаси юкланадиган ходим бўлиши фойдали эмаслиги, бу иш билан профессионаллар шуғулланмоғи лозимлиги ҳозирнинг ўзидаёқ аниқ-равшан кўриниб қолди.


Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаси ислохотида БТ ролини инobatга олиб, мамлакатимиз ҳукумати преференциялар бериш йўли билан уларнинг ривожлантирилишини рағбатлантирмоқда. 2007 йилдан эътиборан давлатимиз раҳбарининг қарори¹ билан улар барча солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод этиб қўйилди (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно), улар томонидан кўрсатиладиган, турар жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ хизматлар юзасидан барча турдаги солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига, Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар борасидаги (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно) «солиқ таътиллари» 2011 йил 1 январдан эътиборан² улар учун 2014 йилга қадар узайтирилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, биронта ҳам давлат уй-жой соҳасида иш олиб бораётган тижорат тузилмаларига бундай ёрдам кўрсатмаётир.

*Тахририят ихтилоfli вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

¹Президентнинг «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли тураржой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 июлдаги ПҚ-425-сон қарорининг 6-банди.

²Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига доир 32-илованинг 2-банди.

Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



Ислохотнинг мазкур босқичида БКларга уй-жой соҳасида бозор муносабатлари жараёнларини олға ҳаракатлантирувчи роль ажратилганлиги боис бунга кўмаклашиш муддаоси билан Уюшма ташкил этишга қарор қилдик. Профессинал бошқарувчи компаниялар номидан иш кўрамиз ва уларнинг манфаатларини ҳимоя этамиз, уларнинг ривожланишига, умуман олганда эса, уй-жой хизматлари бозори ривожига, уй-жой фонди бошқаруви ва унга хизмат кўрсатилиши сифати ошишига кўмаклашамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кўп квартиралли турар жой фондига хизмат кўрсатувчи 350 та професинал бошқарувчи ташкилот рўйхатга олинган, аммо улар ҳар хил йўсинда ривожланмоқда. Оёққа баралла туриб олиб, ХУМШлар тимсолида доимий буюртмачиларга эга бўлганлари ҳам бор. Бундай БТлар ўз тарихига, бошқарув ва хизмат кўрсатишда ижобий тажрибага эга. Мазкур тижорат тузилмалари бетиним илгариланган бормоқда. Улар хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, буюртмачилар қаторини кенгайтириш учун замонавий менежмент ва маркетинг билимларига муҳтож, турдош ташкилотлар билан муваффақиятли тарзда беллашиб кўришни истади.

Бошқарувчи компанияларнинг аксарияти қарор топиш ва ўз позицияларини мустаҳкамлаш босқичида эканлиги сабабли уларга ўз хизматларини қай йўсинда яхшироқ тавсия этиш, буюртмачилар билан муносабатларни қай хилда йўлга қўйиш, ишни бошлаш асносида юзага келадиган бошқа масалаларни қай тартибда ҳал этиш юзасидан ахборот ва маълумотлар керак. Бошқача қилиб айтганда, БТлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, билим, тажриба ва фикр-мулоҳазаларни ўртоқлашиш зарурияти юзага келди.

Уюшма ходимларининг асосий қисми илгари «Kelajak shahri rivoji» консалтинг марказида ишлашган. Бу Марказ тўрт йил мобайнида асосий эътиборини уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотга мададкор бўлишга, бинобарин ширкатларни ривожлантириш, ХУМШлар уюшмалари ва БТлар ишини ташкил этишга кўмаклашишга қаратди. Ана шу мақсадларга эришиш учун хабардорликни, ҳуқуқий саводхонликни оширишга эъри берилди. Ислохотнинг ҳозирги босқичида кўп квартиралли уй-жой фондини професинал бошқарув жаб-ҳасини ривожлантиришда мададкор бўлиш алоҳида эътибор талаб қилмоқда. Аммо бу ҳол уй-жой мулкдорлари, ширкатлар раҳбарлари билан олиб бориладиган ишлардан воз кечилади деган маънони англатмайди. Ҳамонки улар БКларнинг мижози экан, демак уларни уй-жой хизматларининг билимдон буюртмачиларига айланттириш, йирик ХУМШларни майда ширкатларга бўлишга кўмаклашиш, бир уйдан ташкил топган ва кичик ширкатларнинг самарадорлигини кўрсатиб бериш лозим.

«Kelajak shahri rivoji»да тўпланган тажриба ва билимлар, йўлга қўйилган алоқалар бугунги кунда бизга жуда қўл келмоқда. «Ўзкоммунхизмат» Ўзбекистон агентлиги, «Ўзкоммунқувташкитотчи» маркази, ХУМШлар уюшмалари тимсолида яхшигина шерикларга эга бўлдик. Бир қанча минтақалардаги биз билан ишлашган бошқарувчи компаниялар эндиликда Уюшмамизнинг аъзоси сифатида жойларда ваколатли вакилларимиз бўлиб қолдилар. Улар турар жой мулкдорлари, ширкатларнинг раҳбарлари билан мустақил равишда учрашувлар, маслаҳатлашувлар, тренинглар ўтказмоқдалар.

ИМТИЁЗЛАР – РИВОЖЛАНИШГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ДЕМАК

– Кейинги йилларда бошқарувчи ташкилотларнинг ишида қандай ўзгаришлар рўй берди?

– 2005 йилдан эътиборан диёримизда катта ширкатлар ўрнига кичик ва бир уйдан ташкил топган ширкатлар тузиш йўлидан борилмоқда. Бу эса буюртмачилари асосан кичик ширкатлар бўлган, бошқарув ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар бозорини барпо этишга туртки бўлди. Бу жараёнлар бир занжир бўғинлари каби бир-бири билан боғлиқдир. Бир уйдан ташкил топган ширкатлар сафи кенгаймаса, бу бозор ҳам ривож топмасди. Бундан бирлашмаларда жой мулкдорларига ўзини ўзи бошқарув ғоясини амалга

ошириш осонроқ кечади. Уларнинг кўп қаватли уйни тартибга келтириш, йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш, уйга доир ишларнинг режалаштирилиши ва ҳисобини тўғри олиш, бадаллар сарфиёти юзасидан қарор қабул қилиш, йиғилган бадаллар нималарга ишлатилаётганлигини назорат қилиб бориш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда келишиб олишлари ҳам қийин бўлмайди. Зотан бир том остида яшаётган кўшниларининг манфаатлари муштаракдир. Бундай ХУМШлар катта ширкатлардан фарқли равишда ўзларига ўзлари хизмат кўрсата олмайдилар (катта ширкатларда турли уйларда яшайдиган мулкдорларнинг маблағлари кўпинча қайта тақсимланади). Шу сабабли бир уйдан ташкил топган ширкатлар мутахассислар хизматида буюртма берадилар, мутахассислар эса бундай хизматларни сифатни кафолатлаган ҳолда бажарадилар, қолаверса, бу иш ХУМШ ўз кучи билан амалга оширгангадиган арзонроққа тушади.

Кўп квартиралли турар жой фондига хизмат кўрсатувчи ташкилотларга берилган солиқ имтиёзлари бозор механизмларини рағбатлантиришга, ширкатларни професинал асосдаги хизмат кўрсатиш ва бошқарувга жалб этишга, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга йўналтирилгандир. Уларни БТларни ривожлантириш жабҳасига киритилган, муайян маънода кўрсатилаётган хизматлар тарифларини, ширкатлар йиғадиган мажбурий бадалларнинг миқдорини бир маромда ушлаб туриш имконини берадиган инвестициялар тариқасида баҳолаш мумкин. Агар бундай бўлмаганда, БТлардаги тарифларнинг ошириши ХУМШлар тимсолидаги буюртмачиларнинг сони камайишига олиб келарди. Бошқарувчи ташкилотларнинг хизматларига ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлмаган, бир уйдан ташкил топган ширкатлар яна катта ширкатларга бирлашиш йўлига ўтиб, аввалги хўжалик асосларига қайтган бўлур эдилар. Жараён орқага қайтган бўларди.

Шу сабабли професинал бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини қонунчилик йўли билан тартибга солиш истак билан амалиётда муштаракликка эришганларнинг қўлидаги самарали механизмдир. Бу механизмнинг асослари аниқ таърифлаб берилган ва амалиётда яхши ишлаб турибди. Бироқ ана шуларнинг ҳаммасини улар йўналтирилган бозор субъектлари эътиборига, онги ва шуурига етказиш керак. Уюшмамиз айна шу йўналишда иш олиб бормоқда.

МАҚСАД БИР, АММО ЁНДАШУВЛАР ҲАР ХИЛ

– Бошқарувчи ташкилотлар фаолиятида минтақалар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар борми?

– Бошқарувчи ташкилотларимизнинг аксарияти, юқорида айтилганидек, қарор топиш босқичида, шу сабабли уларда мазкур даврга хос хусусиятлар бор. Мабодо статистика маълумотларига мурожаат этиладиган бўлса, уй-жой соҳаси ислохотида олдинги марраларни Тошкент шаҳри эгаллаб турганлиги аён бўлади. Бошқарувчи ташкилотларнинг сал кам 200 таси мамлакатимиз пойтахтида. Бир уйдан ташкил топган ХУМШларнинг кўпчилиги (911) ҳам шу ерда фаолият олиб бормоқда. Ўз вақтида катта ширкатларнинг майдаларига бўлиниши жараёни Фарғона водийсида ҳам анчагина жадал тарзда борган эди. Дастлабки БТлар ҳам водийда ташкил топган бўлиб, улар бугунги кунда тўлиқ оёққа туриб олган, бошқарув ва хизмат кўрсатишда дурустгина тажрибаси бор. Қўқон шаҳрида 6 та, Наманган вилоятида 16 та БТ ишлаб турибди. Мамлакат жанубий минтақаларининг қатор шаҳарларида эса ҳамон катта ХУМШларни афзал билмоқдалар – бундай ширкатларнинг замон синовларига дош бериши осон деб ўйламоқдалар. Оқибатда уй-жой хизматлари бозори бу минтақаларда кичик ва бир уйдан ташкил топган ХУМШлар тимсолидаги буюртмачиларни қабул қилишга тайёр эмас. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида БТлар ташкил этишга энди киришилди. Уларда илгари кўп квартиралли турар жой фондига хизмат кўрсатиш соҳасида ишламаган кўпгина қурилиш ташкилотлари ўзларини бу йўналишда кўрсатиш ҳаракатига тушиб қолдилар (солиқ бобидаги «таътилллар»дан фойдаланиб қолишни ўзлари учун истикболли деб билмоқдалар). Тошкент вилоятида уй-жой хиз-

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



матлари бозорини шакллантиришдаги фаолликни ҳам қайд этиб ўтиш мумкин.

БТларнинг қаторга кириб иш юритаётганлиги биз учун анчагина янги ишдир. Бу босқичнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ХУМШларга профессионал бошқарув афзалликларини тушунтириш ташвишини ҳам улар ўз зиммаларига олмоқда, негаки улар буюртмачининг билимдон, хабардор бўлишдан манфаатдордир. Шу сабабли қилинган фойда ҳисобидан квартира мулкдорлари билан учрашувлар ва маслаҳатлашувлар ўтказишмоқда, уларнинг маърифатли бўлишига ҳисса қўшишмоқда ва бундан келажакда фойда кўрилишига ишонишмоқда. Маслаҳат йўсинидаги хизматлар учун ё Уюшмамизга буюртма беришади, ёки бундай тадбирларни уларнинг ўзлари ўтказишади. Масалан, Олмалик шаҳрида яқинда ташкил топган 3 та бошқарувчи ташкилот буюртмаси билан йўлак мутасаддилари ва уй кўмитаси раҳбарлари билан сайёр учрашув ўтказдик. Ширкатлар фаолиятининг, ХУМШлар билан БТлар ўртасидаги муносабатларнинг қонунчилик асосларини тушунтириб бердик. Қаршида ҳам шундай иш тутилди. 5 та БТ раҳбарлари аҳоли билан олиб бориладиган ахборот-маърифий ишларга кўрилган фойда ҳисобидан маблағ ажратмоқда. Кўқондаги «Кўқон иншоот қурилма» бошқарувчи ташкилоти ўз фаолиятини шаҳар ХУМШлар уюшмаси билан биргаликда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, ислохотларнинг моҳиятини тушунтириб беришдан бошлади. Буларнинг ҳаммаси ижобий йўналишдаги тамойиллар бўлиб, ислохотлар изчил асосда илгарилаб бораётганлигидан далолатдир.

Баъзи БТлар бошқарув, уйларнинг техник ҳолатини яхши сақлаш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан ташқари ширкатларга кўп квартиралар турар жой фондини қай йўсинда яхшилаш, модернизациялаш кераклигини айтиб, энергияни тежайдиган лойиҳалар таклиф қилмоқдалар. Тошкентдаги кўпгина бошқарувчи ташкилотлар томни ёпиш учун ишлатиб келинган одатий материаллардан воз кечмоқдалар. Томларни замонавий, анчагина пишиқ, экологик жиҳатдан тоза, хизмат муддати узоқроқ бўлган материаллар билан ёпилишини таъминламоқдалар. Тошкентда пластик ромлар ўрнатиш, йўлакларнинг иссиқ сақланишини таъминлаш, уйларнинг сиртини қоплама билан ёпиш сингари хизматларни таклиф этаётган компаниялар ҳам бор. Булар энергия ресурсларини тежаш йўлида қўйилаётган реал қадамлардир. Биз БТларга Европа мамлакатларининг бу йўналишдаги тажрибасини тавсия этмоқдамиз.

Бошқарувчи ташкилотларнинг аксари ятида ўз хизматларини ширкатларга тавсия этишда яхшилиқ сари ўзгариш бор. Уларнинг баъзилари мустақил равишда хизматлар каталогларини ишлаб чиқмоқдалар, хизматларни уқув билан кўрсата билишдан ташқари буюртмачилар уларни қадрлай билишга ўргатилмоқда. Уларда хизматнинг ҳар бир тури баҳоси, туркум хизматларга доир таклифлар бор. Ҳар хил хизматларни туркумлаб тақдим этиш таклифини Тошкентдаги «Берёза коммунал сервис» БТ раҳбари Валентина Азимова амалиётга биринчилар қатори жорий этишга муваффақ бўлди (мазкур БТ Уюшмамиз муассисларидан биридир). Буларнинг ҳаммаси буюртмачиларга турли компаниялар хизматларини уларнинг сифатига, баҳосига қараб таққослаб кўриш имконини берувчи бозор талаби асосидаги ёндашувдир. Шу жиҳатдан Тошкент, Наманган ва Кўқон шаҳарларидаги бошқарувчи ташкилотларни алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин.

ИККИ ЖАБҲАДА

– Бошқарувчи ташкилотлар эришаётган ютуқларнинг сабаби, сизнингча,

нимада?

– Тараққиётнинг ҳозирги босқичида деярли барча бошқарувчи ташкилотлар айна бир вақтда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамдир. Бу борадаги вазифалар қатъий тақсимлаб олинмаган. Бошқарув хизматларига ҳозирча талаб катта эмас, шу боис БТлар асосий эътиборни хизмат кўрсатиш ҳамда капитал таъмирлашга қаратмоқдалар. Битта компания кўрсатадиган хизматлар рўйхати бошқаси кўрсатадиган хизматлар рўйхатидан деярли фарқ қилмайди.

Шу ўринда халқаро тажрибага мурожаат этадиган бўлсак, жумладан Фарбий Европада бошқарувчи ташкилотлар ихтисослашув йўлидан бораётганлиги кузатилмоқда. Бундай компанияларнинг штатида нари борса 3-4 киши бўлади. Турар жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, яхшигина обрў орттирган компанияларга оид маълумотларнинг каттагина базаси ҳам бор. Шу туфайли ширкатлар БТлар билан, ўз навбатида бошқарувчи ташкилотлар баъзан ихтисослашган ташкилотлар билан шартнома тузиб, хизматларга буюртма берадилар.


Яқин-яқинларгача бошқарувчи компанияларимизнинг раҳбарлари ихтисослашув ғоясига истехзо билан қарардилар. Ҳозир уларнинг баъзилари бир йўналишда кучлар жамланса, бизнес янада самарали ривожланишига ишонч ҳосил қила бошладилар. Бунда аввало сифат таъминланади, қолаверса касб малакасини такомиллаштириш, янги материаллар ва технологиялардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очилади. Шу маънода Намангандаги «Шуҳрат ҳамкор сервис» бошқарувчи ташкилотининг тажрибаси эътиборга лойиқ – у фақат бошқарув хизматлари кўрсатади. Тошкентдаги бошқа бир БТ раҳбари хизматлар рўйхатидан лифтларга хизмат кўрсатиш ишини чиқариш ва ихтисослашган компания ташкил этишни мўлжаллаб турибди. Баъзи тузилмалар рўзгор чиқиндиларини йиғиш юзасидан хизмат кўрсатмоқда, кўпчилик эса капитал таъмирлаш билан шуғулланмоқда – таъмирлаш ишларини ўтказиш учун тендерларда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритмоқда.

Ихтисослашув йўлига ўтган, БТларда аҳоли билан иш олиб боришга вақт кўп бўлади. Бу жуда муҳим жиҳат, унинг қадрига етиш лозим. Бошқарувчи ташкилотлар йирик ширкатларнинг майда ширкатларга бўлинишига, кичик ва бир уйдан ташкил топган ширкатлар ҳосил этилишига аста-секинлик билан бўлса-да, таъсир ўтказмоқдалар.

Кўпгина БТ раҳбарлари илгариги уй-жойдан фой-



Мавзуй сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



даланиш идораларида ходим бўлишган, эски тизимда кўп йиллар мобайнида ишлашган. Уларнинг баъзилари ҳозирги ўзгаришларни бажонидил қабул қилиб, янги иқтисодий воқеликларга сингишиб кетишди. Бошқаларининг онгида эса ўтмиш даврининг андозалари асорати сақланиб турибди. Чунончи, тижорат тузилмаси бўлмиш БТ ташкил этиб, хайрия ишлари билан шуғулланишда давом этмоқдалар – қилинган иш учун ҳақ тўлай олмайдиган ширкатларга... текинга хизмат кўрсатмоқдалар. Кўпинча улар қандай қилиб мижоз топиш мумкин, ширкат билан шартномани талаб даражасида тузиш учун нима қилиш керак деб сўрашади. Бизда ҳар хил шартномаларнинг шакл-андозалари бор, уларни Уюшмамиз аъзоларига аъзолик бадаллари ҳисобидан тарқатамиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, БТлар учун бир уйдан ташкил топган ширкатлар билан иш олиб боришдан яхши йўл йўқ. Бундай ширкатларга якка тартибда ёндашиш ҳам, фаолиятнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, хизматлар сифатини назорат қилиш ҳам осон. Бир уйдан ташкил топган ХУМШ одатда тўлов қобилиятига эга бўлган буюртмачидир, чунки бундай уйда яшовчилар нима учун ҳақ тўлаётганларини ҳам, пуллари нимага ишлатилаётганлигини ҳам биладилар. Бундай уйда яшайдиганларнинг кўпчилиги уйнинг ҳолати қанча пул тикилаётганлигига боғлиқ эканлигини, бадалларнинг миқдори уйнинг ҳолатига ҳамда ўзлари яшайдиган кўп қаватли уйни янада яхшилаш мақсадига боғлиқ эканлигини тушунадилар.

Биздаги БТларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, хизматлар учун мутахассисларга буюртма бериш ёки бу ишни мустақил равишда бажариш юзасидан бир қарорга келишда, таъбир жоиз бўлса ақл-заковат ҳам муайян роль ўйнайди. Бундан бир неча йиллар аввал кўпчилик катта ширкатларга ихлос қўйган, бунда ҳаёт синовларига дош бериш осон бўлади деб ўйлаб ширкатларнинг бўлинишига тиш-тирноқлари билан қарши эди. Эндиликда уй-жойдан фойдаланиш идораларининг собиқ ходимлари ҳам бир уйдан ташкил топган ва кичик ХУМШларга тарафдор. Натижада яқин пайтларгача янгича ёндашувларни тан олмаган уй-жой ва коммунал соҳа фахрийларининг аксарияти катта ширкатларнинг кичик ширкатларга айланишида ташаббускор бўлмоқда, шунингдек ўз бошқарув компаниялари бўлишини ёқлаб чиқмоқдалар.

ИЗЛАНИШДА ГАП КЎП

– Жой мулкдорлари БТ билан мулоқотда бўлишга тайёрми, улар ўзлари яшаётган уйларнинг техник ҳолатини яхшилашда профессионал бошқарувчилар ўйнайдиган ролни тушуниб етмоқдаларми?

– Бошқарувчи ташкилотлар учун ширкат аъзоларининг ишончига сазовор бўлиш ҳали ҳам осон эмас. Боиси ширкат ўзига қарашли уй таъминоти билан мустақил равишда шуғулланиши керак деган эски фикр жуда теран илдиз отган.

Кўпинча ширкат аъзолари ўз ХУМШларидан норози бўлиб юрадилар. Ана шундай кезлари бошқарувчи компаниядагилардан: «Сизларга хизмат кўрсатишимиз мумкин. Сифатига кафолат берамиз, жавобгарлик ҳам зиммамизда, кўрсатадиган хизматимиз ширкатда бу ишни мустақил бажаришга кетадиган сарф-харажатларга нисбатан арзонга тушади, бинобарин пулингиз тежалади», – деган гапни эшитгач, одамларда шунда шубҳа, ишончсизлик пайдо бўлади, қаранг-а, бизни бошқаришармиш, тариқча иш қилмайдиган ширкатнинг ташвиши етарли эди, буниси ҳам бормиди бизга, деб қўшиб қўйишади тажанглик билан. Одамлар БТнинг ролини қадрлай билмайдилар, янгиликдан чўчидилар, муқобил усуллардан иш баттар бўлади дея хавфсирайдилар. Шу сабабли мулкдорларни профессионал бошқарув ва хизмат кўрсатиш афзаллигига ишонириш учун уйларнинг ҳолати профессионалларсиз ёмон бўлишига уларда гумон қолдирмайдиган далиллар топиш керак.

Бошқа бир мисол. Ширкат раҳбари уй аҳлининг манфаатлари ҳақида ўйламайди, бош қотирмайди ҳам. Одамлар раҳбарликка бошқасини сайлаш ўрнига турли жойларга шикоят ёзиб, унинг яхши ишламаётганидан нолиб юрадилар. Раис бошқарувчи компания тузади, ўзи бош бўлиб турган ширкат билан

хизмат кўрсатиш хусусида умумий йиғилиш қарори бўлмасада, шартнома тузади. Одамлар уйларига ким хизмат қилаётганлигини билмайдилар. Иш сифати кўнгилдагидек бўлмагани учун уй аҳлининг норозилиги ортиб боради. Бу аввал ХУМШ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, қолаверса, бошқарувчи ташкилотлар учун аксилрекламадир. Буларнинг замирида аҳолининг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан беҳабарлиги ётибди. Бундан эса қинғир кўнгилдагилар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишлари, найрангбозлик қилишлари мумкин. Шунинг учун ҳам семинарлар, маслаҳатлашувлар, учрашувлар вақтида одамларга бир неча бошқарувчи компаниялар орасидан дурустроғини танлаб олиш ҳақидаги қарор умумий йиғилишда қабул қилиниши кераклигини, шартнома тузишдан олдин БТнинг обрў-эътибори билан қизиқиб кўриш, бу ташкилот хизмат кўрсатаётган уйларни бориб кўриш лозимлигини, ўша уйларда яшайдиганлар билан гаплашиб кўришдан эринмаслик кераклигини таъкидлаб ўтаемиз.

– Ҳамонки, ширкатлар, квартира мулкдорлари тимсолида уй-жой хизматларининг билимдон буюртмачиларини шакллантириш Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири экан, ХУМШлар ташкилотининг аъзоси бўлиши мумкинми?

– Уюшма тижорат ташкилотларининг бирлашмасидир. ХУМШ эса тижорат ташкилоти эмас. Ширкатлар БТ хизматларига буюртмачи эканлиги сабабли улар билан ҳам фаол тарзда иш олиб бораемиз, лекин бу иш бошқарувчи ташкилотлар орқали ёки жойлардаги ХУМШ уюшмалари ва бошқа тузилмалар буюртмаси асосида амалга оширилади. Уюшмамиз аъзолари учун аъзолик бадаллари ҳисобидан, бошқалар учун шартнома асосида маслаҳатлар берамиз. Ҳафтанинг сешанба кунлари БТлар ва ХУМШ раислари учун маслаҳат йиғилишлари ўтказамиз. Телефон орқали фақат ташкилотимиз аъзоларига маслаҳат берилади. Уюшма аъзоларининг 90 фоизи минтақаларда фаолият кўрсатиб турган бошқарувчи ташкилотлардир. Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда минтақалар уй-жой ва коммунал соҳа ислоҳотида сифат кўрсаткичлари бўйича пойтахтдагиларни орқада қолдирмоқда.

– Уюшманинг яқин келажакка мўлжалланган режалари қандай?

– Семинарлар, маслаҳатлашувлар, тренинглар ўтказиш, услубий тавсиялар, қўлланмалар, маълумотномалар тарқатиш, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги энг яхши тажрибаларни оммалаштириш одатдаги ишимиз бўлиб қолаверади. Шарқий Европа мамлакатларида уй-жой фонди бошқаруви ва унга хизмат кўрсатиш тажрибасини ўрганиш юзасидан Уюшмамиз аъзоларининг сафарини ташкил этиш имкониятларини муҳокама қилмоқдамиз. Кўп квартиралар турар жой фондига илғор технологияларни жорий этиш, ресурсларни тежаш билан боғлиқ лойиҳаларда иштирок этиш йўллари устида изланмоқдамиз. Турар жой фондиди бошқариш ва унга хизмат кўрсатишнинг долзарб масалаларини аниқлаш ҳамда уларни давлат органлари, бошқа ташкилотлар муҳокамасига олиб чиқиш мўлжалимиз бор. Дарвоқе, «Kelajak shahri rivoji» консалтинг маркази доирасида бу йўналишни муваффақиятли ривожлантирган эдик. БТлар кўрсатадиган хизматлар каталогини ишлаб чиқишга киришдик, каталогга бундай хизматларнинг тўлиқ тавсифи, иш бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати киритилади.


Уюшмамизнинг бир неча минтақадаги аъзоларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун ускуна етказиб берувчиларни танлашда ёрдам бердик. Бу хил ахборотга ҳамisha талабгор топилади, шу сабабли янги технологиялар ва қурилиш материаллари етказиб берувчи корхоналарга оид маълумотларнинг ахборот базасини яратмоқдамиз. Россия ва Эстония тажрибасини ўрганиб, кўп квартиралар уйларнинг таъминоти стандартларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлашни режалаштирганмиз. Одам ресурсларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония маркази билан ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантириш ниятимиз бор (мазкур Марказ минтақаларда бизнесни ривожлантириш ва

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

янада яхшилаш юзасидан хусусий тадбиркорлар учун тренинглари ўтказиб келмоқда). Буларнинг ҳаммаси профессионал бошқарувчилар ишига янги назар, хизматлар сифатини яхшилаш, савдони кўтариш, бизнесни муваффақиятли ривожлантириш мўлжал қилиб олинган юқори даражадаги менежментдир. Ҳокимликлар билан қарор топган мулоқотларимиз бундан буён ҳам давом этади деб ўйлаймиз. Уй-жой ва коммунал хўжалигига мутасаддилик қилувчи ҳоким ўринбосарларининг аксарияти ширкатлар, бошқарувчи ташкилотлар раҳбарлари учун маслаҳатлашув ва учрашувлар ўтказиш илтимоси билан Уюшмамизга мурожаат этишади, ишни яхшилаш юзасидан маслаҳатлашиб туришади.


Уюшма аъзолари учун ҳар ой бюллетенлар чоп этамиз, унда ўтказилган тадбирлар – учрашувлар, тренинглари, семинарлар ҳақида ахборот берилади; бўлажак воқеалардан хабардор этилади, бошқарувчи ташкилотларга, уй-жой ва коммунал хўжалиги бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа тузилмаларга кўрсатишимиз мумкин бўлган хизматлар тақдим этилади, ижобий тажриба оммалаштирилади. Масалан, «Берёза коммунал сервис» БТ раҳбари Валентина Азимова Тошкент вилоятидаги ҳамкасабалари учун маслаҳат учрашуви ўтказиб, кўпгина БТлар учун му-

хим муаммо бўлган хизматлар нархини белгилаш тажрибасини ўртоқлашиб келмоқда. Намангандаги «Давлатобод тезкор коммунал сервис» БТ раҳбари Илҳомжон Турсунбоев (у ҳам бизнинг муассис) ХУМШлар учун бухгалтерия ҳисоби юритишнинг электрон дастурини ишлаб чиқди. Дастур содда ва қулайлиги билан ажралиб туради. Ҳозир у мазкур бошқарувчи ташкилот хизмат кўрсатиб келаётган ХУМШларда синовдан ўтказилмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакат ҳукумати томонидан БТлар учун белгилаб қўйилаётган иқтисодий омиллар натижаси бошқарувчи ташкилотларнинг самарали ишида кўринмоқда. Бу нарса эътибордан четда қолмаяпти. Мамлакатимиз Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳаси ходимларидан баъзилари (улар орасида бизнинг Уюшма аъзолари ҳам бор) фидокорона меҳнати ва мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашда эришган муваффақиятлари учун «Шўхрат» медали, «Дўстлик» ордени билан, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» хотира нишони билан тақдирланди. Нишондорларни ҳукумат мукофотлари билан қўллаш баҳонасида уларга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатимиз уй-жой фондини яхшилаш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. 

Таҳририят почтасидан

БАДАЛЛАР МИҚДОРНИ АСОСЛАНГ

 **Бизнинг ташкилотимиз кўп квартиралар уйда яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир. Ширкат биз учун умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларнинг миқдорини турар жойларнинг мулкдорлари учун белгиланганидан бир неча баравар юқори қилиб белгилади. Унинг ҳаракатлари қанчалик тўғри?**

**А.Пашковская,
«LAUR» НОУ директори.
Тошкент шахри.**


– ХУМШ ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг ўзаро муносабатлари масаласи «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда (бундан кейин – Қонун) аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, бизга келаётган хатларда айни шу мавзу энг кўп тилга олинади. Мурожаатларнинг таҳлили шундан гувоҳлик берадики, баъзи ҳолларда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятлардан етарлича хабардор бўлмайдилар, бошқа ҳолларда эса – ширкат бошқаруви ўзининг ваколатларини оширган бўлиб чиқади.

Иккала тараф умумий мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ муносабатларни қандай қўриқлари кераклигини Қонуннинг 30-моддаси батафсил тартибга солиди. Унда белгиланишича, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори кўп квартиралар уйда умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир. У умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. **Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши унинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.**

Қонун билан турар жойлар мулкдорлари учун ҳам худди шундай ёндашув белгиланган. Бундан келиб чиқадики, иккала тараф учун Қонун мажбурий бадалларнинг бир хилдаги миқдорини белгилаган. Яъни, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ва турар жойлар мулкдорлари умумий мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқида тенглаштирилган.

Фарқ эса шундан иборатки, яшаш учун мўлжалланмаган

жойлар мулкдорлари ширкат аъзолари бўла олмайдилар. Юзага келадиган ихтилофларнинг сабаби ана шунда. **Ширкат билан яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ўртасидаги муносабатлар** улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган **шартнома билан тартибга солинади (Қонуннинг 6-моддаси)**. Тарафлар нима тўғрисида ахдлашишлари мумкин? Масалан, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори уйда яшовчиларга ноқулайликлар, умумий мол-мулк, ер участкасига қўшимча юклама яратиши мумкин. Натижада мазкур жой тез эскиради, қўшимча харажатларни талаб қилади. Охир-оқибатда бу умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалнинг миқдорини «оғирлаштиради». Ушбу харажатларга яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори сабабчи бўлганлиги боис ХУМШ бошқаруви умумий йиғилиш қарорига асосан яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорига қўриб чиқиш учун ушбу харажатларни компенсациялашнинг **асосланган талабини** тақдим этишга ҳақлидир. Бу талаб ҳужжатлар билан тасдиқланиши, ишлар режаси, даромад ва харажатлар сметаси орқали кўрсатилиши керак. Агар яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори ХУМШ талабларига қўшилмаса, у суд тартибида низолашиши мумкин.

Ихтилофлар ва жанжалларга йўл қўймадлиги учун кўп квартиралар уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига қонун томонидан ширкат аъзоларининг умумий йиғилишларида маслаҳат овози билан иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Бу Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартиралар уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги намунавий шартноманинг¹ 2.3-бандида назарда тутилган. 


¹ВМнинг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига 2-илова.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

РАИСЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ ИМТИЁЗГА ЭГА ЭМАС

? Мавзеимиз аҳолиси йиғилишида биз уй ва квартираларимизга хизмат кўрсатадиган ширкат барпо этишга қарор қилдик. Йиғилишда ҳаммамиз буткул ишонадиган кишини ширкат раиси қилиб сайладик. Бироқ унинг пенсионерлиги муаммони юзага келтиряпти. Биламизки, маҳалла ва фуқаролар йиғинларининг раиси бўлган пенсионерларнинг пенсияси 100% сақланади. Бизнинг уставга кўра бошқарувнинг олий органи ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланиб, у уйни ўз ҳисобидан сақлайди, ходимларга иш ҳақи тўлайди. Ушбу ширкатни фуқаролар йиғини деб ҳисоблаш ва, тегишинча, унинг раиси пенсияни 100% олиши мумкинми?

Е.Смолкина.
Ангрен шаҳри.



– Фикримизча, сизлар шунчаки ширкат эмас, балки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУМШ) ташкил этилган. Гап шундаки, ширкат – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудра-

¹1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги 600-1-сон Қонуннинг 1-моддаси.

²2006 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-32-сон Қонун.

³1999 йил 14 апрелдаги 758-1-сон Қонун таҳририда.

тига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативидир¹. ХУМШ эса кўп квартиралар битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги, **умумий мол-мулкни биргаликда бошқариш ва уни сақлаш, таъмирлаш ҳамда фойдаланишни таъминлаш учун** бирлашган хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир².

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга³ мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши (фуқаролар йиғини) – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда **маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги** мустақил фаолиятidir. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олиниши керак.

Шу тариқа, ХУМШ раисида умумий мол-мулкни бошқариш вазифаси мавжуд, фуқаролар йиғини раисининг вазифалари эса бошқача – аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ва ҳоказо. Яъни улар бир-бирларининг ўрнини босмайди. Тегишинча, **ХУМШ раиси фуқаролар йиғинининг раиси сифатида 100% миқдорида пенсия ола олмайди.**

Бироқ ХУМШ раиси фуқаролар йиғини раиси қилиб ҳам сайланиши мумкин. Мазкур ҳолда қонун томонидан унинг имтиёзлари сақланиши масаласи тартибга солинмаган. Шу сабабли, агар у фуқаролар йиғинининг раиси этиб ҳам сайланса, пенсия миқдори масаласини ҳал этиш учун Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилиши лозим. ①

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР

Самарқанд шаҳрида аҳоли хонадонларига фойдаланилган электр энергиясини юқори аниқликда ҳисоблайдиган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизмат сифатини ошириш, маҳсулот етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил этиш ҳамда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш, кўрсатилган хизмат ҳақининг ўз вақтида тўла-нишини таъминлаш мақсадида соҳага илғор технологиялар жорий этилаётир. Электр энергияси ҳақини олдиндан тўла-

ган ҳолда ундан фойдаланиш имконини берадиган янги ҳисоблагичлар шулар жумласидандир.

– Пойтахтимиздаги «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида тайёрланаётган «DDSY283» русумли бу ускуна бир қатор афзалликларга эга, – дейди «Самарқанд электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти электр ҳисоблагичлар лабораторияси мудири Хуршид Шарипов. – Ушбу ҳисоблагичларда электр энергияси статик усулда, яъни электрон импульслар орқали аниқ ҳисобланади. Ис-

теъмолчи тўловни шу ҳисоблагичнинг ўзидан фойдаланган ҳолда пластик карточка орқали амалга оширади.

Ўтган йили мазкур ҳисоблагичлар Жомбой туманидаги иккита маҳалла хонадонларига тажриба сифатида ўрнатилиб, хизмат кўрсатиш ва тўлов янги усулда амалга оширилган эди. Натижада ҳудудда электр энергияси истеъмоли 30-35 фоизга тежалди, ҳақи ўз вақтида тўланди.

Янги ҳисоблагичлар айна пайтда Самарқанд шаҳридаги олти маҳалладаги аҳоли уйларида ўрнатилмоқда. Ҳозиргача уч мингдан зиёд хонадон замонавий ҳисоблагич орқали электр энергиясидан баҳраманд бўлмоқда. ①

Ў.А.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

КВАРТИРА ОЛМА, ҚЎШНИ ОЛ

Газетангизнинг доимий ўқувчиси, мухлисиман. У ёки бу масалада сизларга бот-бот мурожаат этиб тураман. Одатда, булар қандайдир муаммоларга боғлиқ бўлади, албатта. Бугунги кунда қўшнилариим ҳақида яхши, илиқ сўзлар айтишни жуда-жуда хоҳлайман. Барака топгурлар ҳовлимиз озода бўлиши ҳақида беғараз ғамхўрлик қилишади, уни янада яхшироқ ва кўркамроқ қилиш йўллариини излашади.

Бундан бир неча йил муқаддам мен яшайдиган уйнинг шундоққина рўпарасида болалар ўйин майдончаси барпо этишди. Арғимчоқ, темир сирпанчиқ ва шу сингарилар талаб даражасида, стандартга монанд қилиб ўрнатилди. Болаларнинг қувонганини кўрсангиз эди. Таассуфки, майдончадаги болалар ўйнайдиган ҳамма нарсалар тез орада бузилди, синди, майдонча хувиллади-қолди. Болалар нима билан шуғулланишни билмай, ахлат ва чанг босган майдончада куймаланиб юришарди.

8-Чилонзор мавзесидаги – 40 ва 39-уйдаги қўшнилариим жонга оро кирмаса, бу нарса қачонгача давом этарди, билмайман. Улар бир жону бир тан бўлиб ишга киришиб, майдончани тартибга келтиришди – болалар ўйнайдиган маскан кўзни қувонтирадиган даражада ўзгариб кетди, жонланди. Бундай қараганда, оддий гап – улар ҳудудни ахлат ва чиқиндилардан тозалаб таъмирлашди, бўйрадеккина жойга қум тўкишди, арғимчоқларни таъмирдан чиқариб, ўриндиқлар, столлар ўрнатишди, чиройли қилиб бўяшди. Умуман астойдил тер тўкишди – болалари учун нималар қилмайди одам?! Чор атрофдаги уйларда яшайдиганларнинг муайян қисми томошабин бўлиб турганлиги ҳам рост, лоақал ҳорма-бўл қилишга ярамади улар.

Майдонча бундан буён ҳам озода, батартиб, чиннидек бўлиб туриши учун нимадир қилиш керак. Зотан, яхшилаб супурилган ҳудудга кўзни шамғалат қилиб конфет ва музқаймоқ қоғозларини ташлаб кетадиганлар, писта чақиб, ҳаммаёқни булғатадиганлар ҳаммиша топилади. Ўзи яшайдиган уй ҳовлисидаги озодагарчиликни қўшнилариим ўзаро аҳилликда қараб турмаса, ким ҳам бунинг уддасидан чиқарди дейсиз. Одамларни бошқаларнинг меҳнатини қадрлашга фақат шахсий ибрат, ўрнатилган йўли билангина ўргатиш мумкин. Ҳамонки бу бизга қарашли ҳовли экан,

ундаги тозаллик, тартиб, озодагарчилик учун жавобгар эканмииз, ҳамма бир тану бир жон бўлиб ёндашсин, бор нарсаларни сақлаб қолишга ҳаракат қилайлик, бир-биримиздан ўрганайлик деган нарса ҳар кимнинг шиори бўлиб қолсин. Демак дадил ҳаракат қилиш ва бошқаларни ҳам шунга ундаш керак.

Ўз хулқи ва хатти-ҳаракати, яхши ташаббуслари билан бошқаларга ўрнатилган ғамхўр қўшнилариимга, хусусан 40-уйда яшайдиган Нодира Йешил, Санжар Обидов ва 39-уйда яшайдиган Лариса Зоҳидова ҳамда Анна Кальценколарга катта миннатдорчилик билдиришни истайман. Халқимизнинг мақолини бир озгина ўзгартириб, квартира олма, қўшни ол дегим келади баралла. ❶

Ольга Горбунова.
Тошкент шаҳри.



КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР «ЯГОНА ҲАМЁН» ЁРДАМИДА ТЎЛАНАДИ



Хорижда

«Ягона ҳамён» ёрдамида москваликлар ўзлари учун қулай бўлган исталган вақтда ўз ичига квартира тўлови ва коммунал хизматларга тўланадиган ҳақни олган уй-жой-коммунал хизматларни тўлашлари мумкин. Тўлов вақтида воситачилик ҳақи ундирилмайди.

«Москва Банки» АТБ тўловлар олувчиси бўлиб, у уй-жой-коммунал тўловлар бутун доирасини қабул қилиш бўйича ваколатли банк ҳисобланади.

Коммунал хизматларга қандай қилиб Интернет орқали ҳақ тўлаш мумкин?

Электр қуввати, сув ва газ таъминоти, иситиш ва бошқа коммунал хизматларга ҳақни ягона тўлов ҳужжати (ягона квитанция) бўйича мобил қурилмаси ёки компьютердан Интернет воситасида тўласа бўлади. Бунинг учун «Ягона ҳамён»ни ишга тушириш етарлидир.

Материал интернетдан олинди.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



КУН ТАРТИБИДА – ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасида «газ таъминоти соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Кўмита ўз ваколатлари доирасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устидан доимий равишда назорат олиб боради. Масалан, 2010 йилнинг якуни бўйича Кўмита ва унинг ҳудудий органларига истеъмолчилардан 5 мингдан ортиқ ва 2011 йилнинг 6 ойи мобайнида 3,3 мингдан ортиқ ариза ва мурожаатлар келиб тушган. Бу мурожаатларнинг аксарият қисми истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал қилинди ва 2011 йилнинг I ярим йиллигида 465 млн сўм маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилган.

Кўмита ва унинг ҳудудий органларига тушаётган мурожаатлар таҳлилининг кўрсатишича, уларнинг кўпчилиги қисми коммунал соҳага, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа ва электр энергияси таъминоти соҳаларига тўғри келади.

Шу билан бирга, кейинги вақтларда истеъмолчилардан фойдаланилмаган табиий газ учун ҳисобланган тўловлар ва газ сарфини ҳисоблагичлардан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар бўйича кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушмоқда. Масалан, 2011 йилнинг бошидан бугунги кунга қадар Кўмитанинг ҳудудий органларига 374 та шундай ариза ва шикоятлар тушган бўлиб, шундан 88 таси (25%) фойдаланилмаган табиий газ учун қарз ҳисобланиши, 63 таси (18%) газ сарфи ҳисоблагичларини ўз вақтида стандарт текширувдан ўтказмаганлик учун қарздорлик ҳисобланиши, 33 таси (10%) газ босими пастлиги, 33 таси (10%) газ сарфи ҳисоблагичларини ўрнатиш ва узлуксиз газ таъминоти билан боғлиқ муаммолардир. Ушбу ариза ва шикоятларнинг кўпчилиги (95%) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ истеъмолчилар фойдасига ҳал қилиб берилди.

Давра суҳбатида қатнашчилар томонидан «Ўзтрансгаз» АК газ таъминоти корхоналари томонидан табиий газни истеъ-

молчиларга етказиб бериш ва газ сарфини ҳисобга олиш жиҳозларини ўрнатиш ва уларни назоратдан ўтказиш бора-сида йўл қўяётган камчиликлар қайд этилди.

Хусусан:

туманларда жойлашган газ таъминоти корхоналари томонидан газ сарфини ҳисобга олиш жиҳозларини ўз вақтида давлат стандарт текширувдан ўтказиш устидан тизимли назорат, огоҳлантириш ишлари етарли йўлга қўйилмаганлиги; носоз ҳолдаги газ ҳисоблагичлари ва текширувдан ўтказилмаган газ ҳисоблагичлари учун нореал қарздорликлар ҳисобланаётганлиги;

газ ҳисоблагичлар кўрсаткичларига мос келмайдиган қарздорликларнинг ҳисобланиши;

истеъмолчиларни ҳақиқатда сарфланган газ учун эмас (ҳисоблагич кўрсаткичи), балки норматив истеъмол кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлашга мажбурлаш;

газ ҳисоблагичларига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш устидан тизимли назоратнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

газ етказиб бериш шартномалари тўлиқ қамровли тузилмаслиги;

етказиб берилмаган газ учун (кўрсатилмаган хизмат учун) ҳақ олиш;

газ ҳисоблагичларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар етишмаслиги, шунингдек махсус метрологик лабораторияларнинг камлиги.

Давра суҳбати якунида соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш бўйича келишиб олинди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитаси Матбуот хизмати материали асосида.



Ҳуқуқимизни ҳимоя қиламиз

ҚИММАТГА ТУШГАН БУЮРТМА

Ғишт тугаганлиги сабабли ҳовлисида бошланган қурилиш ишлари бирдан тўхтаб қолганидан Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 15-уйда яшовчи Мавжуда Султонованинг жаҳли чиқди.

У жорий йилнинг январь ойида Янгийўл туманидаги «Ғишт инвест» МЧЖга 60 минг дона пишган ғишт учун 7,5 млн сўм пул тўлаб, буюртма бериб келганди. Қирқ мингга яқин ғишт етказиб берилди, сўнг эса маҳсулотнинг келиши бирдан тўхтаб қолди. Мижоз МЧЖга кўнғироқ қилиб, бунинг сабабини била олмади.

Ғишт вақтида етказиб берилмагани учун иш тўхтаб, усталар ишсиз қолган бўлса, иккинчи томондан ғишт нега келмаётганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги М.Султоновани баттар ташвишга солди. Шу боис у Янгийўл тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилиб, воқеани тушунтирди.

Маълум бўлишича, корхона бир қанча сабабларга кўра ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни биров фурсатга тўхтатишга мажбур бўлган. Лекин бу ҳақда мижозни вақтида огоҳлантирмаган. Бу билан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси бузилган. Шу туфайли корхона истеъмолчи талабига кўра 20 минг дона ғишт учун бугунги бозор нархида 6 млн сўмни қайтаришга мажбур бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шартнома мажбуриятини вақтида бажармаслик корхонага қимматга тушди. Жорий йилнинг январь ойида ҳар бир ғишт баҳоси 125 сўмдан ҳисобланган эди. Охир-оқибат етказиб берилмаган ғишт учун МЧЖнинг мижозга ҳар бир ғишт учун 300 сўмдан пул тўлашига тўғри келди.

www.istemolchi.uz сайтдан олинган материаллар асосида тайёрланди.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

НАЗОРАТЧИЛАР «ЯНГЛИШИБДИ»

Термиз шаҳрида яшовчи Л.Куранова шаҳар электр тармоқлари корхонаси томонидан ҳисобланган жаримадан норози бўлди. Чунки у хонадонининг электр энергияси тўловидан қарзи йўқлигини яхши биларди.

Л.Куранова ўз ҳақ-ҳуқуқини билган инсон сифатида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Сурхондарё вилоят бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма мутахассислари масалани ўрганишди. Ҳақиқатан ҳам Термиз шаҳар электр тармоқлари корхонаси назоратчилари Ш.Бекмуродов ва Ҳ.Беғалиев истеъмолчи Л.Куранова хонадонига 2011 йил 3 июнда тузилган далолатномага асосан 830 649 сўм асоссиз жарима ҳисоблаганликлари маълум бўлди.

Асоссиз ҳисобланган жарима бекор қилинди. Фуқаро Л.Куранованинг электр энергияси тўловларидан қарзи бўлмаганлиги сабабли Термиз шаҳар электр тармоқлари корхонаси бу хонадонга янги замонавий электрон электр ҳисоблагич ўрнатиб берди.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЧОРАЛАР

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 20 сентябрда 285-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 285-1-сон Буйруқ) билан Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг қўлланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 285, 1996 йил 20 ноябрь) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, ўзгартирилаётган ҳужжатнинг бутун матнидаги «меҳнат бўйича ҳудудий органлар томонидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан» (бундан кейин – Агентлик) сўзлари билан алмаштирилди. Тегишинча, энди Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишга рухсатномалар Агентлик томонидан (олдин – Қорақалпоғистон Республикасининг Меҳнат вазирлиги, Тошкент шаҳар Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, вилоят меҳнат бошқармалари томонидан) берилади.

Ҳужжатлар пакетини кўриб чиқиш ва рухсатнома беришни энди Агентлик иш берувчи томонидан зарур ҳужжатлар берилган кундан бошлаб **30 кун** давомида (олдин – 15 кун давомида) амалга оширади.

Рухсатноманинг амал қилиш муддатини белгиланган тартибда узайтириш учун ҳам унинг амал қилиш муддати тугашига 30 кун қолгунча муддат берилади.

Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун иш берувчи ёки унинг вакили белгиланган тартибда Агентликка ариза (раҳбар имзолаган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган) ва рухсатноманинг илгари берилган асл нусхасини тақдим этиши керак.

Хорижий мутахассиснинг меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқнома олиш мақсадида иш берувчига тақдим этиш учун зарур **ҳужжатларнинг рўйхати кенгайтирилди**. Илгари у 4 ҳужжатдан иборат эди:

раҳбар имзолаган, ташкилот муҳри билан тасдиқланган ариза (2 нусхада);

хорижий мутахассисга анкета, унга ҳам албатта раҳбар имзо чекиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши керак (2 нусхада);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет элликни жалб этиш нияти ва шартлари иш берувчи билан олдиндан келишиб олинганлигини тасдиқлайдиган меҳнат шартномаси лойиҳаси;

муҳр билан тасдиқланган раҳбар мажбуриятлари.

Киритилган ўзгартиришларга кўра иш берувчига яна қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

3 x 4 ўлчамдаги 2 та фотосурат (алоҳида, илгаридек анкета билан бирга эмас); хорижий ишчининг миллий паспорти нусхаси (кириш визасининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда);

иш берувчи томонидан аризада кўрсатилган лавозимга жалб қилинаётган хорижий ишчининг тегишли маълумоти, малакаси ёки ихтисослигининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

хорижий ишчини республикага жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги меҳнат ва аҳоли бандлиги бўйича ҳудудий органнинг хати;

амалдаги рухсатнома нусхаси (уни ҳали олмаган ташкилотлардан ташқари);

тасдиқномани расмийлаштириш ва бериш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги банк ҳужжати.


Хорижий ишчи Ўзбекистонда бўлганда ҳужжатлар қуйидаги визалардан биттаси: «Е» меҳнат визаси, «В-1», «В-2» ишбилармонлик визалари ёхуд «S-3» хизмат визаси бўлганда қабул қилинади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом талаблари қўлланмайдиган **хорижий фуқароларнинг рўйхати тўлдирилди** (илгари 8 тоифадан иборат эди). Улар сирасига қуйидагилар кирди:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аккредитация қилинган халқаро ва хорижий нодавлат (ноҳукумат) нотижорат ташкилотлари ваколатхона ва филиалларининг ходимлари;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан аккредитация қилинган **хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарининг** ходимлари.

Иш берувчиларнинг кўрсатилган Низом талабларига риоя этишларини текширишлар бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқий инспекциясининг **масъулияти оширилди**.



Ҳуқуқбузарликлар аниқланганда Агентлик рухсатноманинг амал қилишини **йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилгунга қадар** тўхтатиб қўйиши ёки уларни муайян муддатда (илгари ушбу муддат 3 ойни ташкил этган) бартараф этиш тўғрисида кўрсатма бериши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолда рухсатнома ва тасдиқнома Агентликнинг қарорига кўра бекор қилиниши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик далиллари тўғрисида Агентлик Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Консуллик бошқармасини хабардор қилади.

Йўриқномага бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

Ҳужжат **2011 йил 30 сентябрдан кучга кирди**.

ЧЕТ ЭЛЛИКНИ ИШГА ОЛЯПМИЗ

Кадрлар бўлими

Маҳаллий МЧЖ штатдаги бизнесни ривожлантириш бўйича мутахассис лавозимига чет элликни олишни режалаштиряпти. Ушбу мутахассис ҳамма вақт Тошкентда бўлмайди. Ўз ватанида ишлаб, икки ойда бир марта, кўпи билан 5 кунга келиб кетади. Бизни қуйидаги саволлар қизиқтиради:

- 1) унга қандай иш режими ўрнатилади?
- 2) биз иш вақтини ҳисобга олиш табелини қандай юритишимиз керак?

А.Бегжонов.
Тошкент шаҳри.

Қозоғистондаги хорижий компания Ўзбекистонда МЧЖ очиб, унинг бирдан-бир муассисига айланди. МЧЖда ишлашга чет эллик аёлни молиявий директор сифатида қабул қилмоқчимиз. У ҳозирда Қозоғистонда, муассиса фирмасида асосий ишида ишлаяпти. Муассис компаниянинг сиёсати ва қарорига кўра мазкур ходим Ўзбекистондаги молиявий фаолият учун жавоб беради. Биз уни штат бўйича ишга олишимиз керак. Бироқ у Самарқандга (МЧЖга) штатдаги ходим сифатида ҳар чоракда бир мартадан бир ҳафтага келишни режалаштиряпти. Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз:

биз айниқса меҳнат ҳақи ва иш режими қисмида меҳнат шартномасини қандай қилиб расмийлаштиришимиз керак? унинг иш вақтини ҳисобга олиш табелини қандай юритишимиз лозим?

А.Мирзаева.
Самарқанд шаҳри.

– 1. Чет эл фуқароси билан меҳнат шартномасини расмийлаштириш масаласи бўйича.

Бундай қилиш мумкин, чунки Қозоғистондаги (бошқа мамлакатдаги) муайян иш берувчи билан меҳнат шартномасининг мавжудлиги чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш хусусиятларини ҳисобга олганда ва Ўзбекистондаги иш

берувчида тегишли рухсатнома бўлганда Ўзбекистон Республикасида ташқи ўриндошлик шартларида бошқа иш берувчи билан меҳнат шартномаларини тузишга тўсқинлик қилмайди (Меҳнат кодекси (МК)нинг 72, 160-моддалари).

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг меҳнатга доир

муносабатларини Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарорига 2-илова) тартибга солади.

Меҳнат шартномасини расмийлаштириш тўғрисида. МК 74-моддасининг талабларига мувофиқ меҳнат шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномасини расмийлаштириш чоғида Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш юзасидан тавсиялар ҳамда Ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт)нинг наму-

навий шакли ёрдам бериши мумкин, улар МК 74-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган (1, 2-илвалар).

Бунда меҳнат шартномасида иш ўриндошлик ҳисобланишини албатта кўрсатиши керак.

«Ходимнинг меҳнат ҳақи» бўлими тўғрисида. Ўриндошлик бўйича иш тўғрисида меҳнат шартномаси тузаётганда тарафлар амалда бажариладиган иш учун меҳнат ҳақи шартларини ўзлари белгилашга ҳақлилар. Шу сабабли меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги ке-

лишувга биноан белгиланади (МКнинг 153, 160-моддалари).

«Иш куни режими» бўлими тўғрисида. Иш вақти режими корхонада Ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан, унинг шартларини шартномавий тартибда қайд этиш йўли билан белгиланади (МКнинг 120-моддаси).

Бинобарин, сиз меҳнат шартномаси (контракт) тузишингиз мумкин, унда ходим ўзининг меҳнатга доир вазифаларини чоракда бир марта, 5 иш куни мобайнида бажаришини кўрсатиши керак.

II. Иш вақтини ҳисобга олиш табелини юритиш масаласи бўйича.

МКнинг 160-моддасига мувофиқ, ўриндошлик бўйича ишлаётган шахсларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади. Бинобарин, иш вақтини ҳисобга олиш табелида кунлар (соатлар) сони ишни бажаришга кетган ишланган вақтга мутаносиб равишда қайд этилиши мумкин.

Чунончи, агар ходим Самарқандга чоракда бир марта келишни режалаштирса, келиш ва ишлаш далили бўйича табелда у амалда ишлаган вақт акс эттирилади.



Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,

«Норма» МЧЖнинг юридик мавзудаги эксперт-таҳлилий материалларни тайёрлаш бўлими катта эксперти.

КАРТОН
ЭКОЛОГИК ТОЗА МАХСУЛОТ (ТОПЛАЙНЕР - 100% ЦЕЛЛЮЛОЗА). (КРАФТЛАЙНЕР).

ҚОҒОЗ

ОҚАТИРИЛГАН (Финляндияда ишла. чик.)
Турли ўлчам ва эчкилда

ОҚАТИРИЛГАН (Жанубий Кореяда ишла. чик.)
Турли ўлчам ва эчкилда

“СНЕГУРОЧКА” ОФИС ҚОҒОЗИ
Арзон нархларимиз ҳаммабон!!!

Буюртмага
Жуда КАТТА
АССОРТИМЕНТДА!!!

Тел. 565-54-00.
ФАКС 271-25-12.

ОФСЕТ ҚОҒОЗИ (Россияда ишла. чик.)
ГАЗЕТА ҚОҒОЗИ, гоятда оппоқ
(Сективкарда ишла. чик., Коми Республикаси)
ва кўплаб бошқа махсулотлар

242-11

© 1964-10-07 15.04.2010

«AMIR-AUDIT» МЧЖ
аудиторлик ташкилоти

28.03.2009 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АБнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун
худудида барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувларини амалга оширади

**Бухгалтерия ҳисоботи
ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга
булган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<p>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.</p> <p>Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.</p> <p>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</p> <p>Кўчмас мулк бўйича юрист мас-лаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.</p> <p>«ADVOKAT ELITE». Судларда ва-киллик қилиш. Корхоналар, вако-латхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва улар-га юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.</p>	<p>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</p> <p>Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.</p> <p>ХИЗМАТЛАР</p> <p>Тез ва сифатли. Лазерли прин-терлар ва ксероксларни жойига чиқиш билан таъмирлаш ва тўлди-риш. Тел. 370-15-12.</p> <p>Принтерлар ва ксероксларни юқори малакали таъмирлаш ва тўлди-риш. Тел. 157-31-19.</p> <p>Сервис маркази. Epson, HP, Canon рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.</p>	<p>Ташкилотлар учун компьютер ва ма-иший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.</p> <p>Сервис маркази: компьютерлар, прин-терлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлди-риш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.</p> <p>Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p> <p>Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини ло-йиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.</p> <p>*Хизматлар лицензияланган.</p>	<p>Товарлар ва хизматлар бизнес панорамаси</p> <p>TOP</p> <p>237-51-33 237-47-20 237-47-05</p> <p>ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!</p> <p>Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 19 сентябрдаги 10-1116/11636-сонли ҳал қилув қарорига асосан Яккасарой туманидаги “Metal Finans” МЧЖ (юридик манзили: Қизилқум кўчаси, 12-уй) банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Тошкент ш., Фарход кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.</p>

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яккасарой туманидаги банкрот деб эътироф этилган ва тугатув жараёни бошланган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Юридик манзили
“OFFICIAL TRANSLATION SERVIS” МЧЖ	10-1108/16303	М.Торобий кўч., 62
“NAV-NIHOL BARAKA PLUS” XF	10-1108/16305	Бобур кўч., 67-9-38
“EXPRESS BAZZAR” МЧЖ	10-1108/16306	Қушбеги кўч., 18
“ЕКО-AVTOGAZIZMAT” МЧЖ	10-1108/16324	Глинка кўч., 44

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, думалоқ муҳр ва бурчак тамплари, шунингдек давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Корхоналарга нисбатан талаб ва мурожаатлар 1 ой давомида Тошкент ш., Фарход кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 сентябрдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
“AMAL-XIMOYACHI” МЧЖ	10-1117/14587
“URALGAZPROMINVEST” МЧЖ	10-1117/14580
“NURLI STUDIYA” ХК	10-1117/14597
“TRIKI-TRIKI TEXSTIL” МЧЖ	10-1117/14588
“ISTIQBOL-NARGIZA” ХК	10-1117/14589
“FENIX PRINT SERVICE” МЧЖ	10-1117/14591
“XAEROSLUKS” ХК	10-1117/14596
“VERTUS UNIVERSAL” ХК	10-1117/14630
“NATELLA-SAVDO” ХК	10-1117/14593
“RUMAN-BIZNES” МЧЖ	10-1117/14579
“ASHUROV NUR” ХК	10-1117/14578
“VIKTORIA STROY BIZNES” МЧЖ	10-1117/14581
“AZIZBEK UNIVERSAL” ХК	10-1117/14582
“RD-FARM” МЧЖ	10-1117/14583
“MELON” МЧЖ	10-1117/14584
“G’ANIJON FAYZ BARAKA” МЧЖ	10-1117/14586
“ART METAL CONSTRUCTION” МЧЖ	10-1117/14585
“SOBIR FARAVON SAVDO” ХК	10-1117/14598
“OKTAVA PLUS” ХК	10-1117/14599
“SAID-FAXRIDDIN” ХФ	10-1117/14596
“UNION BROKER” МЧЖ	10-1117/14595

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти биноси, 32-34-хонада қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами	Санаси
“YASHNARBEK FAYZ” МЧЖ	301263978	10-1016/11726	27.07.2010
“ANJELIKA SAVDO” МЧЖ	205201895	10-0604/2132	24.04.2006
“ZOOMER” МЧЖ	205536329	10-0715/2143	11.04.2007
“TANNER LTD” QK	201079211	10-0613/16017	12.03.2007
“SARVAR BARAKA” ХК	202802617	10-0915/10768	04.08.2009
“LAYLAK IMPEKS” МЧЖ	205842755	10-0604/12135	22.12.2006
“FAMESTROYTEX” МЧЖ	300912755	10-0913/8885	17.07.2009
“INVEST LIGHT” МЧЖ	204586497	10-0715/7889	31.07.2007
“TEMIR USKUNA SAVDO” МЧЖ	205332930	10-0915/3746	13.03.2009

Мазкур корхоналарга тегишли бурчак тамплари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-лари ҳамда барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 10 октябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Учтепа туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	СТИР	Рўйхатга олинган санаси ва рақами	Юридик манзили	Қарор рақами
“BEBISH PINE”	301376955	17.11.2009	003267-01	10-1119/16153
“BADOVLAT PAHLOVON”	201608944	07.05.1999	837	10-1119/16154
“AVAGADRO PLUS”	301410224	20.12.2009	003339-01	10-1119/16151
“AXSAN TEKS”	206760407	16.08.2006	001190-01	10-1119/16150
“SKIN GROUP”	301363347	03.11.2009	003235-01	10-1119/16152

Мазкур корхоналарнинг тўртбурчак тамгаси ва думалоқ муҳрлари ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин. Ушбу корхоналар-нинг кредиторлик ва дебиторлик қарздорлиги бўйича даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Учтепа тумани Ҳокимияти биносининг 3-қаватидаги 4-хонада қабул қилинади. Тел. 274-16-37.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримларига асосан Шайхонтохур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РҲҲАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Санаси
“Beshik Sarposi” МЧЖ	10-1110/16914	03.10.2011
“Exad Lancer” МЧЖ	10-1119/16742	30.09.2011
“Elektro Jixoz Nur Savdo” МЧЖ	10-1119/16732	30.09.2011
“Meridian Art” МЧЖ	10-1119/16735	30.09.2011
“Paynet Lyuks” МЧЖ	10-1119/16734	30.09.2011
“Perfekt magnys” МЧЖ	10-1119/16733	30.09.2011
“Efendi biznec” МЧЖ	10-1119/16741	30.09.2011
“Labbay Telekom” МЧЖ	10-1119/16740	30.09.2011
“Original Plastik” МЧЖ	10-1119/16739	30.09.2011
“Graf-Mobayl” МЧЖ	10-1119/16738	30.09.2011
“Inter Klass Biznec” МЧЖ	10-1119/16731	30.09.2011
“Agro Produkt” МЧЖ	10-1119/16730	30.09.2011
“Jaxongir Dilshod Nur” МЧЖ	10-1119/16737	30.09.2011
“Sardor Lutfullox” МЧЖ	10-1119/16736	30.09.2011

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2011 йил 14 октябрь куни соат 12.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўча-си, 7а-уй, 306-хонада ўтказилиши тайинланган ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 17 октябрь соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди биносининг 1-қаватида жойлашган 1-сонли суд мажлиси залида кўрилиши белгиланган. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
“Norma маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Илдекс – 186 Буюртма 1264 Алади 3900. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2011 йил 14 октябрда соат 19.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223